2011 ЙИЛ 5 МАЙ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 88 (11.899) Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ўтказилди. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш мавзусига бағишланган тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идора вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

● Фарғона шаҳрида давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда сиёсий партиялар ва депутатлар фаолиятини янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, шаҳар ва туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари раҳбарлари иштирок этди.

● Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида саноат тармоқлари ярмаркаси иш бошлади. Ярмарка Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 мартдаги «2011 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржани ташкиллаштириш' ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида уюштирилмоқда.

● Бухоро шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари мавзуида амалий семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳлар, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● АҚШда рўй берган кучли қуюн натижасида қурбон бўлганлар сони, сўнгги маълумотларга қараганда, 305 нафарга етди. Бу ҳақда France-Presse хабар тарқатди.

● Россиянинг Кострома вилоятида ўнлаб одамлар кучли ёнғин сабабли бошпанасиз қолди. Тўсатдан чиққан аланга деярли ярим қишлоқнинг кулини кўкка совурди. Уни бартараф этишга бир неча хўжалик машиналари ва вертолётлар жалб қилинишига қарамай аксарият хонадонлар сақлаб қолинмаган.

● Германияда бензин баҳоси бирдан кўтарилиб кетди. Май ойининг сўнгги кунларида мамлакатдаги 15 мингтадан кўпроқ автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида бир литр 95 маркали бензин (Super) ўртача 1,604 евродан сотилди. Шу билан 2008 йилнинг июлидаги рекорд забт этилди. Ўшанда бир литри 95 маркали бензиннинг баҳоси 1,595 еврони ташкил этганди. Мамлакатда бензин баҳоси ошиши кутилаётган эди. Чунки ҳар йили ҳам ёзги таътил пайти яқинлашиши билан бензин баҳоси кўтарилади. Лекин ёнилғи баҳоси ҳеч қачон бунча кўп кўтарилмаганди. Иқтисодчиларнинг таъкидлашича, бу сафарги ўсишга ёзги таътил яқинлашишидан ташқари АҚШда бензин заҳиралари камайгани ҳам сабаб бўлди. Шунингдек, Хитойда ҳам бензинга талаб ортган. Мутахассислар келгусида ҳам бензин баҳоси ошиб бориши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

MUSTAQILLIK · INDENPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 20 O'ZBEKISTON

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз.

Ислом КАРИМОВ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ХОТИРА ВА ҚАДР МОҲИЯТИ

1. МУТАНОСИБЛИК

Ҳар қандай урушда, модомики, икки томон курашар экан, адолатли ва адолатсиз томон бўлади. Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида адолатли томонда туриб жанг олиб борди. Ер юзидан фашизмдек ўта вайронкор, бир миллатни бошқалардан устун қўйишни кўзлаган шовинистик ғояни дастак қилиб олган ёвуз кучни сидириб ташлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Шу асосга кўра, мустақиллик йилларида биз 9 майни умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келяпмиз.

1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу байрам муносабати билан Тошкент шаҳридаги қардошлик қабристони зиёратига борган чоғида бу байрам мазмун-моҳияти ҳақида жиддий ўйлаб кўриш кераклиги, шўро даврида одат тусини олган "номаълум аскар қабри" тушунчаси мантиқсиз экани, ҳар бир жангчининг исми, фамилияси, ота-онаси, манзили борлигини айтиб, ўзбекистонлик уруш қатнашчилари қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало, ўз юрти – Ўзбекистони тақдири учун курашганини айтди. Шу билан бирга мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан кетган ва жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлганлар исми-шарифлари қайд этилган бир майдон бунёд этиш ғоясини ўртага ташлади.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 2 мартидаги «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармони билан бу байрам янги мазмун-моҳият касб этди. Ўша йили қисқа фурсат ичида Тошкентнинг марказида Хотира майдони бунёд этилиб, унинг тўрида Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Яна бир инсон манфаатларига оид ғоя амалга ошди: она ҳайкали сари боравершда икки томонда миллий руҳдаги айвонлар ростланиб, махсус Хотира китобларида Ўзбекистонимизнинг ҳар бир минтақасидан бориб, урушда ҳалок бўлган ҳамюртларимизнинг муборак номи битиб қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

5 май – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари таъсис этилган кун

ВАТАН УЧУН ЯШАШ – ОЛИЙ САОДАТ

Бу йил халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлайди. Айни кунларда юртимизда ушбу шонли санани баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Йигирма йилдирки, ўз тараққиёт йўлидан барқарор ривожланиб бораётган Ўзбекистон, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига шундай юксак суръатларга эришмоқда. Мамлакатимизда ўз билими ва меҳнати билан Ватан равнақи йўлида фидокорона хизмат қилаётган юртдошларимизнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон – «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунларнинг аҳамияти каттадир.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони мамлакатимизнинг олий даражадаги мукофоти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона хизматлари учун берилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали вазиятда топширилади.

Ўтган йиллар мобайнида ўнлаб юртдошларимиз ушбу юксак мукофот билан тақдирланди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоблари, фан, таълим, маданият, адабиёт намояндалари, саноат ва қишлоқ хўжалиги вакиллари бор. Бу унвон, аввало, уларнинг фидокорона меҳнатлари, Ватан тараққиётига қўшган ҳиссасининг улкан эътирофи, қолаверса, халқимиз, ёшларимиз учун катта ибрат мактаби ҳамдир.

Мустақиллик. Бу азиз неъмат биз учун бахтли ва фаровон ҳаёт, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши учун кенг шарт-шароит яратаётгани билан қадрлидир. Бугун энг улуғ, энг азиз байрамимизни нишонлашга ҳозирлик кўраётган ватандошларимиз ҳаётимиздаги, ўй-фикрларимиздаги улкан ўзгаришлар Истиқлол туфайли эканини теран англайдилар.

«Мустақиллик» номи билан аталган орден ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларидандир. Бу орден билан мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар тақдирланади. Шунингдек, ушбу мукофот билан Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

Президентимизнинг фармони билан Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳри юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун «Мустақиллик» ордени билан мукофотланган.

Осойишталик, тинчлик-тотувлик бўлган жойга қутбарака инади, дейди халқимиз. Бугун кўпмиллатли мамлакатимиздаги тотув ҳаёт ана шу ҳақиқатнинг инъикосидир.

Юртимизда барча миллат ва элат вакилларининг тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, ривожланиши учун барча шароитлар яратилган. Шу боис мамлакатимизда истиқомат қилаётган 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, давлатимиз тараққиёти учун дахлдорлик ҳиссини туйиб яшамоқда. Миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат руҳи юртимиздаги барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда)

СИЗ ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ

Пойтахтимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Сиз доимо эъзоздасиз» деб номланди. Унга Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, турли соҳаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар таклиф этилди.

– Истиқлол йилларида инсон, унинг ҳаёти, қонуний манфаатлари барча жабҳалардаги ислоҳотларнинг бош мақсадига айланганини доимо ҳис этиб яшамоқдамиз, – дейди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, «Жасорат» медали соҳибаси М.Холисломова. – Президентимиз Ислом Каримов томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик кўнглимизни тоғдек кўтармоқда, умримизга умр қўшмоқда.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида доимий эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

Шу кунларда юртимизда мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор вазирликлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олмоқда. Айни пайтда маҳаллалар, таълим даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, маданият ва санъат масканларида бой ҳаётий тажрибага эга фахрийларимиз билан учрашувлар ўтказилмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **МИЛЛИЙ** Матбуот марказида тегишли вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган «Мамлакатимиз иқтисодий ривожида хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш» мавзусида семинар-йиғилиш ташкил этилди.

✓ **МУДОФААГА** кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши томонидан Қатағон қурбонлари музейида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тадбир ўтказилди.

✓ **МИРЗО УЛУҒБЕК** туманидаги «Гулистон» маҳалласи гузарида «Тинчлик-осойишталигимиз — бебаҳо неъмат» мавзусида маҳаллада истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ХОТИРА ВА ҚАДР МОҲИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. МИЛЛИЙЛИК

Мустақил давлатнинг байрамлари ҳам халқ табиати ва анъаналарига мос бўлиши керак. Чунки ҳар бир халқ қандай яшаши, нимани қадрлаши, қайси саналарни тантана қилишини ўзи ҳал этади. Бунда ўз тарихидан келиб чиқади, бугунини ва келажагини ўйлайди.

Умуман, дунёқарашни, тафаккурни миллийлаштириш, миллий мафкурани шакллантириш ярим мустамлака исканжасидан қутулган ёш давлат учун шу қадар муҳим эдики, бу – давлатнинг давлат бўлиб туришини таъминлайдиган бош омиллардан саналади.

Шу маънода мустақилликка эришганимиздан сўнг 9 майни шўро талқинидагича байрам қилиш бизнинг онг-шууримизга мутлақо мос келмай қолган эди.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳар бир халқ уни ўзича эслайди, қурбонларини ўзича хотирлайди, жангдан омон қайтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ва бугун ҳаёт бўлган фахрийларини ҳам ўзича қадрлайди.

Ўз мустақиллигига эришган давлатлар ичида Ўзбекистон бунинг чинакам намунасини кўрсатди. Хотира ва қадрлаш куни энди ўзгача, аниқроғи, миллий хусусият касб этди. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти буткул ўзгарди – кенгайиб кетди. У умумхалқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди.

Халқ хотираси деганда, киши кўз ўнгидан Ватан ибтидосидан бугунига қадар шу юрт, шу халқ деб курашган, куч-қудрати, ақл-заковатини аямаган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган не-не буюк зотлар бир-бир ўтади. Спитамен, Широқдан Туркон Хотун, Маҳмуд Торобийгача, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекдан Заҳириддин Муҳаммад Бобургача, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Куброгача...

Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирланади, Афғонистон урушида ҳалок бўлганлар шўро сиёсатининг бегуноҳ қурбонлари сифатида эсга олинади, умуман, ўтганлар руҳи ёдга олинади.

3. ОДАМИЙЛИК

Бу дунёни Тангри таоло яшаш учун яратган. Бу дунёнинг марказида ҳазрати инсон туради. Шуни тан олмаган ҳар қандай ғоянинг мағзи – пуч, пойдевори – бўш, иморати – омонат. Фашизм ҳам, шўро мафкураси ҳам худди ана шу – инсонга, унинг табиати, феъл-атвори, мақсад-муддаоларига зидлиги, унинг эҳтиёжу манфаатларидан келиб чиқмагани учун буткул мағлубиятга учради.

Ҳамма ёқда номаълум аскарнинг рамзий қабрига дуч келар эдик... Ҳолбуки жангда ҳалок бўлган тирик жоннинг ҳеч бири номаълум эмас эди! Ҳар бирининг ота-онаси, шаҳри-қишлоғи, маҳалла-кўйи, қавму қариндоши, қўни-қўшниси, борингки, умр йўлдоши ёхуд севган ёри бор эди-ку!

Шўро сиёсати бу билан ҳисоблашиб ўтирмади. Очиғи, ўтган замонда қурбонларни хотирлаш ҳам, тирик қолганларнинг қадрига етиш ҳам шунчаки, яъни расмият учунгина эди, холос. Афсуски, одамлар шахс сифатида эмас, омманинг таркибий қисми сифатидагина эсланарди.

Инсонни менсимаслик, шахс ўрнида кўрмаслик эски мафкуранинг мағзи-мағзига сингиб кетган ақида эди. Одамга фақат сиёсий ғоялар йўлидаги бир мурватдек қаралар эди. Сиёсатда ҳам, ҳаётда ҳам шу бемаъни ақидага амал қилинар эди. Ҳамма нарса одамнинг шахсига эмас, жамоага қараб қаричланар эди.

Энди Тошкент шаҳрининг марказида 1999 йил 9 май куни очилган Хотира майдонидаги Мотамсаро она сиймоси пойига битилган: *«Сен доимо қалбимдасан, жигарим!»* деган сўзларнинг инсонийлигини, самимийлигини ўйлаб, бир юракдан ҳис этиб кўрайлик. Ҳалок бўлган тирик жон кимнингдир жигарпораси, демак, шу Ватаннинг фарзанди! Ҳар бирининг ортидан қанча одам йиғлаб қолди. Умрининг сўнгги лаҳзасига қадар кўзларида ёши қуримай, ўғлини – жигарпорасини кутиб ўтган қанчадан-қанча мотамсаро она бор эди. Даҳшатли урушда ҳалок бўлган отажонини кўрмаган, унга, лоақал, бир бора бўлсин: *«Дадажон!»* – деб мурожаат қилолмай яшаётганлар қанча...

9 майнинг 1999 йилдан бошлаб Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши бизда сиёсатнинг инсонийлашганидан, давлатнинг халққа – ҳазрати инсонга қайишганидан далолат беради. Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик – Ватанимиз фарзанди эди! Уларни ёддан чиқаришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Истиқлол йилларида 35 жилдлик «Хотира» китоби чоп этилди. Уруш қурбонларининг номи мамлакат пойтахтидаги Хотира майдонига ўрнатилган темир «дафтар»га зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган.

Бу ерга зиёратга келган ҳар бир ватандошимиз, албатта, ўз жигари, ҳеч бўлмаганда, бирор қўшнисининг номига дуч келади. Беихтиёр, ўтганлар руҳига тиловату дуолар қилиб, юзига фотиҳа тортади...

...Яқинда Сурхондарё вилояти «дафтари» олдида зиёратга келган бир қизнинг, афтидан, онасига қўнғироқ қилиб, йиғлаб: *«Бобомнинг исм-фамилиясини топдим! Бор экан!»* – деб айтаётганига гувоҳ бўлдим. Эҳтимол, она қизини атайлаб шуни аниқлаб келиш учун Тошкентга юборгандир...

Болалик хотиралари ҳамманинг ҳам бир умрлик ҳамроҳи бўлса керак. Онамиз раҳматли урушда бедарак кетган, ҳалигача қабри бизга номаълум тоғалари – шоир ва муаллим Қодир Ғафуров армиядан юборган хатлар, ёзган шеърларини сандиқда кўз қорачиғидек асрар эдилар. Неча марталаб бизга ўқиб берганлар. Қариндош-уруғ йиғилишиб, бу юраги ўт-олов, завқ-шавққа тўла йигитни, у ўқиган шеърлар, у куйлаган қўшиқлар, у чертган дутор куйларини йиғлаб-йиғлаб эслашар эди. Умримизда кўрмаган бу тоғамизни биз, болалар ҳам кўп бор кўзда ёш билан соғинганмиз...

Хотира майдонидаги «дафтар»ларда қатор-қатор номлар ёзиб қўйилган, беихтиёр бу исм-фамилияларнинг ҳар бири бир инсон эканини ўйлайсиз.

Бугун бу майдон мамлакатимиз фуқароларининг қалбига яқин, ўтганлар ёдга олинадиган, дуолар ижобат бўладиган гўша – муқаддас маконга айланди. Бу ер – зиёратчилар билан гавжум.

Ҳозир барча минтақаларимиз марказларида шундай хотира майдонлари барпо этилди ва бу хайрли иш изчил давом эттириляпти.

Юртбошимизнинг *«Хотира ва қадрлаш деганда, биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз»*, деган қимматли сўзлари замирида ана шундай моҳият ётибди.

4. ФАЛСАФИЙЛИК

Дунё – фоний, умр – ўткинчи. Кунлар кунларни, йиллар йилларни қувиб, бу кўҳна чархи фалак шу сирли коинот яралганидан бери айланган-айланган. Инсоннинг абадий – боқий эмаслиги онг-шууримизда хотира деган тушунчани пайдо қилган бўлса, ажаб эмас. Негаки хотирагина ўтганларни эслаш, бугунни кечанинг ёди билан тўлдириш, яъни янада бойитиш имконини беради.

Албатта, инсонларни борида қадрига етиш минг карра афзал. Шунинг учун хотира ва қадрлаш тушунчалари – моҳиятан бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Байрамни янгича номлашда улар ўртасидаги ана шу узвийлик асос қилиб олинган.

Умумхалқ байрамининг янгича талқини туфайли хотира ҳам, қадрлаш ҳам муайянлашган фалсафий тушунчага айланди.

«Фалсафанинг бош муаммоси нима?» деган савол, қарийбки, башарият яратилганидан буён кишилар баҳсу мунозарасига сабаб бўлиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу мунозарани қандай давом эттириш, бугун унга қай тарзда ечим топиш – илмнинг иши.

Бироқ шарқона, содда, жайдари, энг муҳими, халқона фалсафа шуки, инсон онг-тафаккури учун асосий муаммо – борлиқнинг абадийлигию киши умрининг ўткинчилиги ўртасидаги қарама-қаршиликда мужассам. Инсон яралганидан буён ўтиб кетганидан кейин ҳам яшаб қолишни истайди. Жисман бунинг сира иложи йўқ. Хотира эса – одамларнинг вафотидан кейин ҳам бу дунёда яшаши учун имкон берадиган бирдан-бир макон. Одамлар хотирасида яшашга интилиш ҳам кишини тарбиялайди. Уни эзгуликларга, бошқаларнинг бирор-бир корига яраб қолишга, умрни зое кетказмасликка ундайди.

Шундай кишилар тириклигида ҳам қадр топади. Халқ ҳеч қачон яхши фарзандларини эсдан чиқармайди. Халқ хотирасиз яшаши асло мумкин эмас...

Хотира ва қадрлаш куни – дунёқарашимиздаги ана шундай тамоман янги фалсафий ҳодиса.

Мустақил Ўзбекистон сиёсатидаги бу фалсафийликни сезмаслик, тан олмаслик, тарғиб қилмаслик мумкин эмас.

5. РАҒБАТ

Шу йилнинг 22 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда уруш қатнашчилари ва ногиронларини давлат бюджетидан бир йўла 300 минг сўмлик моддий рағбатлантириш кўзда тутилган.

Бу байрам мазмунидаги қадрлаш моҳиятининг амалий жиҳатини намоён этади.

Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонлик 263 мингдан зиёд жангчи ҳалок бўлди, 132 минг 670 киши бедарак йўқолди, 60 минг 452 ватандошимиз ногирон бўлиб қайтди. Хуллас, урушга сафарбар қилинганларнинг ҳар уч нафаридан бири уйига қайтмади...

Бир миллиондан ортиқ киши, жумладан, 200 минг бола Ўзбекистонга эвакуация қилинди.

Мутаносиблик, миллийлик, инсонийлик, фалсафийлик, рағбат бирлашган жойда ҳаёт дарахти гуллаб-яшнайди. Ҳаёт – ҳамиша ширин. Байрамлар инсоннинг қалб торларини черта олиши билан яшашни янада ширинроқ қилади, одамларни элу юртни кўпроқ севишга ундайди, оламда меҳр-мурувват, ҳурмат-эътибор, қадр-қиммат, оқибат уруғлари кўпроқ сочилишига ҳисса қўшади.

Хотира кишида камида ана шундай ҳис-туйғулар, фикр-ўйлар уйғотади.

Кимки инсонлигини бир қайта эсга олмоқчи, умрнинг ўткинчилигини, бир лаҳза бўлсин, дилдан ҳис этмоқчи, ҳаётини бекорга ўтказмаслик, Ватанга қўлдан келгани қадар фидойиларча хизмат қилиш фикрини мустаҳкамламоқчи бўлса, хотирласин, қадрласин.

Истиқлол йилларида байрамларимизга муносабатимиз тубдан янгиланиб, миллий онгимиз, инсоний тушунчаларимиз, фалсафий оламимиз бутунлай ўзгараётгани, XXI асрга тамоман бошқача руҳий-маънавий дунёқарашимиз билан кириб келганимизда ўз аксини топади.

Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашдан кўзлаган бош мақсадимиз – Ватан ҳимоячиларини хотирлаш, орамиздаги фидойи инсонларнинг қадрига етиш, урушни қоралаш, тинч-осойишта ҳаётнинг, фаровонликнинг шукронасини қилишдан иборат.

Бу ҳар қандай кишини маънан рағбатлантиради, яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва қатъият билан хизмат қилишга ундайди.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимизда 4 май куни Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, саноат, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика, сайёҳлик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, тўқимачилик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Диллмурод Турдиев мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ўзаро алоқалари мустаҳкам дўстлик ва икки томонлама манфаатдорлик тамойиллари асосида фаол ривожланиб бормоқда. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари муҳим ўрин тутади. 2005 йилги апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг қамрови кенг. Ҳиндистон компанияларида юртимиз иқтисодиётига, айниқса, фармацевтика, тўқимачилик, автомобилсозлик ва сайёҳлик соҳаларига сармоя киритишга қизиқиш кучли. Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаоллаштириш, иқтисодий алоқаларр, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, нефть-газ, кончилик, геология, машинасозлик, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлардандир.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар амал қилади. Бу борадда мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Хусусан, 2005 йилги давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга давлат ташрифи доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланган.

Юртимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёнлари Ҳиндистон ишбилармонларининг мамлакатимиз билан ҳамкорликка эътиборини кучайтирмоқда.

– Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари иккки мамлакат халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлигига асосланган, – деди Ҳиндистон Республикаси савдо ва саноат вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Прадит Кумар Чаудхери. – Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил тараққий этиб бораётганидан жудда мамнунмиз. Бугунги мажлис амалий ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш имкониятларини батафсил муҳокама қилиш учун қулай имкониятдир. Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларни кўламини янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Мажлисда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда ўз вақтида амалга оширилган инқирозга қарши чоралар боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани қайд этилди.

– Компаниямиз сайёҳлик соҳасида фаолият юритади, – деди «Geefcee Group» компанияси директори Тарун Гоял. – Биз юртингиз сайёҳлик фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатишга жуда катта қизиқиш билан қараяпмиз. Бошқаси, Ўзбекистон ушбу жабҳада улкан салоҳиятга эга мамлакатдир. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива каби қадимий шаҳарларингиз, ноёб тарихий обидаларингиз ҳар қандай сайёҳда унутилмас таассурот қолдириши шубҳасиз,

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, фан-таълим, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Ҳиндистон компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳиндистон делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

ВАТАН УЧУН ЯШАШ – ОЛИЙ САОДАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу борадаги ишларга муносиб ҳисса қўшган инсонларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида юртимизда «Дўстлик» ордени таъсис этилган. Бу мукофот Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантириш ишида катта ютуқларга эришган мамлакатимиз фуқароларига, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилади.

Унинг соҳиблари орасида нафақат юртдошларимиз, айни пайтда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳам борлиги ушбу мукофотнинг юксак нуфузидан далолатдир.

Ушбу орден билан мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин. Юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашда қардош қорақалпоқ элининг ҳам хизматлари катта. Президентимиз фармонига мувофиқ 2003 йилда Нукус шаҳрининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлангани бу хизматларнинг олий даражадаги эътирофи бўлди.

Юртимиз тинчлигини, халқимизнинг хотиржам ва фаровон ҳаётини таъминлаш миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари, осойишталигимиз посбонлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу йўлда мардлик ва фидойилик кўрсатган инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган жасоратлари учун кўплаб юртдошларимиз «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон – жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган маданият бешигидир. Халқимиз аждодларимизнинг илм-фан, маданият ва иқтисодиёт каби кўплаб соҳаларда қўлга киритган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ёшларимиз уларга муносиб ворис, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишдек эзгу мақсад билан яшайди.

Бугунги авлод вакиллари орасида мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида улкан ютуқларга эришаётган юртдошларимиз кўп. Уларнинг меҳнат ва фаолияти муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медали билан мукофотланмоқда.

Албатта, ҳар бир инсон, аввало, Ватанининг тараққиёти учун, эл-юртининг, фарзандларининг бахту саодати учун яшайди ва меҳнат қилади. Унинг фидойилиги, жасорати, ватанпарварлиги муносиб баҳоланганда, боши осмонга етади. Мамлакатимиз Президентининг эътиборига, элининг эътирофига сазовор бўлганидан ўзини бахтиёр ҳис этади. Зеро, Ватан учун яшаш – олий саодатдир!

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида Бутунжаҳон интеллектуал мулк кунига бағишланган «Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманлар

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат патент идораси, республика олий ўқув юртларининг масъул ходимлари, ихтирочилар, ёш олимлар, иқтидорли талабалар иштирок этди.

Семинар аввалида қатнашчилар интеллектуал мулкка бағишланган китоблар кўргазмаси билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э.Юсупов, шу қўмита аъзоси депутат Н.Каримова, республика Давлат патент идораси директори Б.Омонов, Республика Давлат патент идораси бўлим мудири С.Каримова, Тошкент Давлат техника университети проректори К.Норқулова ва бошқаларнинг маъруза ва чиқишларида инновацион йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари, интеграция ва истиқболлар, интеллектуал мулк объектлари муҳофазасининг ҳуқуқий асослари, олий ўқув юртларида талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш масалалари тўғрисида фикр юритилди.

Анжуман давомида Тошкент Давлат техника университетидаги интеллектуал салоҳият тўғрисида айтилган фикрлар, факультетлардаги илмий ҳаётни акс эттирувчи стендлар семинарнинг бу ерда ўтганлиги бежиз эмаслигини кўрсатди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 9

«Ўзбекистон»

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ.
05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 ТВ - анонс.
07.10 «Муқаддас қадамжолар». Шохизинда.
07.55 «Кўнгил қўшиқ истайди».
08.00 «Таҳлилнома».
08.40 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
08.45 «Болалар дунёси».
09.10 «Алпомиш». М/ф.
10.10 «Иқлим».
10.15 «Кўнгилга йўл».
10.40 «Ифтихор».
10.45 «Буюк аждодларимиз».
11.10 «Азизим».
11.40 ТВ - анонс.
11.45 «Хотира майдони».
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
12.55 ТВ анонс.
13.00 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
13.30 «Изҳор».
13.35 «Аёлга таъзим». Композиция.
13.45 «Бокий Хива».
14.10 Миллий кино: «Ҳаворанг атиргул».
15.15 ТВ - анонс.
15.20 «Шарқ тароналари».
«Болалар сайёраси»:
15.40 «Эртаклар айтилган кун». Б/ф.
17.05 «Ватан пойтахти».
17.30 «Ифтихор».
17.35 «Одамлардан бири».
17.55 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.00 «Ҳаёт қўшиғи».
18.15 Миллий кино: «Суюнчи».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 ТВ - анонс.
20.10 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
20.45 «Олтин мерос».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ - анонс.
21.40 «Буюк аждодларимиз».
22.05 «Мехрибон фариштам». Т/с.
22.45 «Иқлим».
22.50 «Савдойи изқувар». Т/с.
23.30 — 23.35 «Очун».
23.35 Кўрсатувлар дастури.
23.40 «Аёлга таъзим». Композиция.
23.50 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
00.20 «Иқлим».
00.25 «Одамлардан бири».
00.45 «Хотира майдони».
00.55 «Кўнгил қўшиқ истайди».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 ТВ - анонс.
01.35 - 02.00 «Буюк аждодларимиз».
Ҳурматли телетомошабинлар!
«O'zbekiston» телеканалида соат 2.00дан 6.00гача.
профилактика.

«Ёшлар»

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 «Тараннум».
6.50 «Мультипанорама».
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Осиё». Т/с.
8.50 «Бахт формуласи».
9.20 Миллий кино: «Мафтунингман».
10.40 «Хотира ва қадр».
10.50 «Нарния-3». Б/ф.
12.40 «До-ми-соль».
13.00 «Давр».
13.10 «Ёшлик наволари».
13.30 Миллий кино: «Маҳаллада дув-дув гап».
14.50 «Самарқанд юлдузи».
15.00 «Миллий мультфильм».
15.20 «Кўшимча дарс».
15.50 «Хотира ва қадр».
16.00 «Давр».
16.10 «Шарқ гавҳари».
17.00 «Девдас». Б/ф. 1-қисм.
18.30 «Давр мавзуси».
18.50 «Хотира ва қадр».
19.00 «Давр».
19.30 «Осиё». Т/с.
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 Миллий кино: «Келинлар кўзғолони!»
21.50 «Юртим юраги».
22.00 «Давр».
22.30 «Қулғу».
23.10 «Ёшлик наволари».
23.30 Миллий кино: «Алишер Навоий».
1.10 «Бухоро Шариф».
2.00 «Давр».
2.30 «Ҳаёт гўзал». Б/ф.
4.20 «Афсона ва ҳақиқат».
5.40 «Ҳаёт симфонияси».
5.50-5.55 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ!
7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Тошкент тароналари.
8.45 «Музлик довони». Т/с. 10- қисм.
9.10 «Интервью».
9.20 «Интеллектуал аукцион».
9.30 «Жигарбандим ёди». Б/ф.
11.00 «Ўйларим».
11.05 Хотира ва қадрлаш кунига: «Санъатимиз хазинасидан».
11.30 «Шум бола». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 Хотира ва қадрлаш кунига: «Мулоҳаза учун мавзу».
14.25 «Анонс».
14.30 «Тенгдошлар».
14.45 «Дурдона».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Музлик довони». Т/с. 11- қисм.
15.40 Миллий мультфильмлар: «Жалолиддин Мангуберди», «Турон Ботир».
16.15 «Анонс».
16.20 «Идрок».
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 «Саргузаштлар ороли».
17.10 «Анонс».
17.15 Хотира ва қадрлаш кунига: «Ҳаёт фалсафаси».
17.30 Миллий сериал: «Умр сўқмоқларида».
17.55 «Анонс».
18.00 «Пойтахт».
18.25 Хотира ва қадрлаш кунига: «Менинг маҳаллам».
18.40 «Менинг шаҳрим».
19.00 «Интеллектуал аукцион».
19.10 Хотира ва қадрлаш кунига: «Ибрат».
19.25 «Анонс».
19.30 Тошкент тароналари.
19.45 «Телекурьер-маркет».
19.55 «Анонс».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Бизнес-пойтахт».
20.30 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с. 56- қисм.
21.00 Хотира ва қадрлаш кунига: «Эътиқод».
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Телекурьер-маркет».
21.40 «Интервью».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Маърифат фидойилари».
22.20 «Эко-пойтахт». /рус/.
22.30 «Пойтахт». /рус/.
22.50 «Кино SMS со звёздами».
22.55 «18 квадрат». Х/ф.
00.25 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Анонс».
00.35 «Ўйларим».
00.40 «Пешқадам». Б/ф. 1-қисм.
1.50 «Ибрат».
2.05 «Анонс».
2.10 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с. 56- қисм.
2.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
3.30 «Жигарбандим ёди». Б/ф.
5.00 «Пойтахт».
5.25 «Бизнес- пойтахт».
5.30 «Салом, Тошкент!»
6.30 Миллий сериал: «Умр сўқмоқларида».
6.55 «Анонс».
7.00-7.25 «Пойтахт».

«Спорт»

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Анонс.
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.50 «Жасур болалар».
7.20 АНОНС.
7.25 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия».
Мультфильм.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.25 АНОНС.
8.30 «Саломат бўлинг!»
8.50 Футбол. Англия чемпионати. Футбол. «Манчестер Юнайтед» – «Челси».
10.30 АНОНС.
10.35 «Ринг қироллари».
11.35 АНОНС.
11.40 Эшкак эшиш. Жаҳон кубоги.
12.30 «Алпомиш авлодлари».
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
13.30 АНОНС.
13.35 Бокс. С Жаксон турнири.
14.35 «Спорт – менинг ҳаётим».
15.00 АНОНС.
15.05 Теннис. ATP/WTA турнири.
16.15 Футбол. Испания чемпионати.
17.55 АНОНС.
18.00 «Баркамол авлод - 2011» якунлари.
18.20 АНОНС.
